

ERURSEN SHOH, AGAR OGONSEN SEN, AGAR OGONSEN SEN, SHONSEN SEN

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ

www.xabar.cc.uz orif@infonet.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan 2005-yil, 14-yanvar, 2 (643)-son Sotuvda narxi erkin

ХАФТАЛИК ХАБАРЛАР

♦ Матбуотда "А.К. Қодировни Ўзбекистон Республикасининг Туркменистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

♦ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Унга биноан 21 январ куни мамлакатимизда дам олиш куни деб эълон қилиниб, байрам сифатида кенг нишонлаш белгиланган.

♦ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича 2005 йил, 9 январдаги такрорий овоз бериш натижаларига кўра, такрорий овоз бериш ўтказилган 58 сайлов округининг барчасидан депутатлар сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўришот Мустафоев Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича такрорий овоз беришининг даствабқи натижаларига бағишланган матбуот конференциясида шу ҳақда маълум қилди.

♦ Тошкентдаги халқаро бизнес-марказда "Халқаро донорлар томонидан хусусий тармоқ ва тадбиркорлик соҳасига кўрсатилаётган молиявий ва техник ёрдам масалалари, кўмаклашиш дастурлари самардорлигини ошириш имкониятлари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда техник кўмак масаласини Ўзбекистон учун устувор йўналишлар билан уйғунлаштиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар зарурлиги қайд этилди.

♦ Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг бешинчи йиғилиши ўтказилди.

Йиғилиш иштирокчилари молия, фан-техника, транспорт ва коммуникация йўналишларида икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир вазифаларни муҳокама қилди.

Вазирлар Маҳкамасида Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари бўйича Комплекснинг соҳани 2004 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижалари ҳамда 2005 йил учун долзарб вазифаларни белгилашга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.АРИПОВ олиб борди.



АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР: ЯҚУНЛАР ВА ВАЗИФАЛАР

Йиғилишда таъкидланганидек, соҳанинг барча корхона ва муассасалари асосий эътиборни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йил, 30 майдаги "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қароридан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришга қаратишди.

Соҳада корхона ва ташкилотлар иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, таркибий тузилмаларини қайта қўриб чиқиш, давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш, хориж сармоядорларини жалб этиш, шунингдек, молиявий интизомни мустаҳкамлаш, тўлов хизматларини ривожлантириш, телекоммуникация тармоқлари ва ахборот тизимларини реконструкция қилиш борасидаги ишларни давом эттиришди. Ноширлик ва полиграфия фаолиятини, телерадиоузастиш, архив ишини такомиллаштириш ҳамда муаллифлик ҳуқуқлари-

ни ҳимоя қилиш масалалари ечимини топиш борасида чора-тадбирлар кўрилди.

Парламент томонидан "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида" ва "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

2004 йил якунларига кўра, ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳасида кўрсатилган хизматлар қиймати 300 млрд. сўмдан ошди. Хизматлар экспорти мўлжалдагидан 29,7 фоиз кўп бўлди. Мобил алоқа юқори суръатда ривожланди: уяли алоқа хизмати миқдорларининг сони 544,1 мингтага етди ва ўтган йилга нисбатан 68 фоизга ўсди. Рақобат борасида ҳам илгари силжи кузатилди: Интернет хизмати кўрсатувчи оператор ва провайдерлар сони 81,4 фоизга ўсиб, 477 тага етди. Бугунги кунда Интернетдан фойдаланувчиларнинг сони 675 миң кишини ташкил этади. Республикамиз ша-

МУКОФОТ МУБОРАК!

"Ватан ҳимоячилари куни" муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра ватанчимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишди. Давлат фелдъегерлик хизматининг бўлинима бошлиги Маъруф Муллажонович БОБОЖОНОВ ҳам "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Мукофот муборак!

СОҲА ИСТИҚБОЛИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИГА БОҒЛИҚ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари Аъзам Фахриддинович ИЗБОСАРОВ билан "Хабар" газетаси бош муҳаррири Орифхон МУҲАММАДЖОНОВ мусоҳабаси.

— Аъзам Фахриддинович, 2004 йили алоқа соҳасида қандай ютуқларга эришилди ва мазкур йил нимаси билан ёдда қоладиган бўлди?

— Аввало шунга айтиш жоизки, ҳукуматимиз томонидан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга қабул қилинган бир қатор қонун ва қарорлар аяқол далил бўла олади. Жумладан, Иккинчи қақриққ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида» ва «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонунлар, Вазирлар Маҳкамаси томонидан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарув тузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида 2004 йил, 7 майда «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги қарор қабул қилинди. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги белгиланган муҳим вазифаларни амалга ошириш мақсадида ҳукумат қарори билан Агентликнинг худудий бошқармалари ташкил этилди.

Энди саволингизга келсак, ўтган 2004 йил давомида соҳа тизими корхоналари томонидан 280,4 млрд. сўм миқдорда алоқа хизматлари кўрсатилди. Бу кўрсаткич 2003 йилга нисбатан 35,2 фоизга ошган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 2004 йил Инвестиция дастури лойиҳалари ортиги билан бажарилди. Жумладан, давлат кафолати орқали амалга оширилган кредитлар бўйича 55,7 млн. АҚШ доллари қийматида, тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар бўйича 60,5 млн. АҚШ доллари, бюджет маблағлари бўйича эса 500 млн. сўм қийматидаги лойиҳалар амалга оширилди.

Япониянинг Халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) кредит маблағи ҳисобидан 46,8 млн. АҚШ доллари миқдоридан сармоя киритилди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш натижасида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида 37000 рақамга мўлжалланган 44та рақамли телефон станцияси ҳамда Фарғона ва Қарши шаҳарларида 5670та каналга мўлжалланган иккита шаҳарлараро телефон станцияси ишга туширилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган ва Самарқанд вилоятларида 2700 километр оптик-толали кабел ётқизиilib, 185та узатиш тизими ўрнатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларининг телефонлаштириш қийин бўлган аҳоли масканларини телефонлаштириш мақсадида 20000 сийғимага эга бўлган коммутация станцияси, 30та база станцияси ўрнатиilib, симсиз алоқа тизими ишга туширилди. Бу билан аҳолига халқаро алоқа хизматларини кўрсатиш, станциялар ва абонентларга симсиз телефон алоқасидан фойдаланиш ва маълумотларини узатиш имконияти ҳам яратилди.

(Давоми 2-бетда.)

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Корақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида 63та телевидение ва 36та радиозастиртиш узаткичи ўрнатилиши натижасида телерадиозастиртиш дастурлари қабул қилиш қамрови кенгайтирилади сифати ошди.

Хозирда барча қурилмалар тажрибавий эксплуатацияга топширилган ва жорий йилнинг январ ойи охирида эксплуатацияга қабул қилиш ишларини якунлаш мўлжалланган.

Корақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Тошкент, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида рақамли телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олиш даражаси туман марказларида 100 фоизга етказилди. Умуман олганда, республика миқосида бу даража шаҳарларда 96 фоиз, туман марказларида 72 фоизга етказилди, аҳоли масканларида умумий қамров 77 фоиз (шундан рақамлиси 33 фоиз)га етди.

Барча вилоятлар марказларига сифатли телерадиодастурларни етказиш таъминланди.

Лойиҳа доирасида «Ўзбектелеком» АК, Радиозастиртиш, радиоалоқа ва телевидение марказининг 450дан ортиқ мутахассиси хорижда, 600дан ортиғи мамлакатимизнинг ўзида малакаларини ошириб, тегишли сертификатларга эга бўлишди.

Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида миллий ахборотлаштириш тизимини шакллантириш, замонавий ахборот технологияларини иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кенг қўллаш, аҳолининг ахборотга бўлган ўсиб бораётган талабларини илҳом борица тўлароқ қондириш, халқаро ахборот жамиятига кириб боришга қулай шароитлар яратиш ва жаҳон ахборот тармоқларига уланish имкониятларини кенгайтириш бўйича ишлар олиб борилди.

Хозирга келиб алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида 11та қўшма корхона ва 12та хорижий компания ҳамда уларнинг ваколатхоналари фаолият юритмоқда. Улар томонидан халқаро талабларга жавоб берадиган маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро, уяли ва йўлдош алоқа, телевидение дастурларини юқори сифатларда узатиш каби хизмат турлари йўлга қўйилган. Республикада асосан АКШ, Германия, Япония, Россия, Малайзия, Корея, Хитой ва бошқа давлатлар телекоммуникация компаниялари ва сармоядорлари фаолият юритишга.

Сайловларни сифатли, демократик таъминлаш ва жаҳон стандартларида ўтказиш мақсадида Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказларига алоқа ва Интернет хизматлари, компютер, факс ва телевидеотехникалар тақдим этилди. Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказининг Интернет тармоғида www.elections.uz веб-сайти очилиб, доимий равишда янгилаб борилди.

Мавжуд 120та сайлов округи ва 8000дан ортиқ сайлов участкаси алоқа воситалари билан таъминланди.

Алоқа воситалари билан тўлиқ таъминлаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлов бўйича такрорий овоз беришни ўтказиш режалаштирилган 58та сайлов округи ва 3700дан ортиқ сайлов участкасида ҳам сифатли амалга оширилди.

Давлат фелдгегерлик хизмати томонидан Марказий сайлов комиссиясининг 212 тонна миқдоридagi сайлов қутилари, тарғибот ва ташвиқот материаллари сайлов округларига етказиб берилди.

— Алоқа хизмати сифатини яхшилаш, ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳақида гапириб берамиз.

— Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажаришда демократик тамойилларга таянган ҳолда ишлар олиб борилмоқда.

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифаларини босқичма-босқич (ун босқичида) рўйбга чиқариш мўлжалланган. Биринчиси — (1997—2001 йиллар) кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрларни сифатли тайёрлаш жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш босқичи бўлиб, унинг амалга оширилиши бўйича зарур бўлган барча ишлар Агентлик тизимидаги ўқув юртларида ўрнатилган тартибда бажарилган.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги ўқув юртларида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишнинг иккинчи (2001—2005 йиллар) босқичига киришилди. Бу босқич сифат босқичидир, яъни таълим тизимидаги тайёрланаётган ҳар бир кадр юқори сифат мезонларига жавоб бериши лозим. Кадрлар сифати эса таълим сифатига боғлиқдир.

Ушбу дастурларнинг бажарилишида турли маҳаллий ва хорижий компаниялар томонидан ёрдам кўрсатилмоқда. Ўқув юртларини замонавий техникалар билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. Масофадан ўқитиш технологияси ва методикаси яратилган, улардан профессор-ўқитувчиларнинг малакаларини ошириш учун даврий тренинг ташкил этилган.

Хозирги кунда S-12 ва EWSD русумли рақамли коммутация тизимларини татбиқ этиш кенг йўлга қўйилмоқда. Жумладан, Тошкент ахборот технологиялари университети лабораториясига телекоммуникация соҳасидаги йирик «Шанхай Белл» компаниясининг ускуналари келтирилди. Бу эса талабаларга рақамли коммутация станцияларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича амалий ишларни бажариш имконини яратди.

Шунингдек, телекоммуникация асбоб-ускуналари ва жиҳозларини ишлаб чиқариш ҳамда сотиш бўйича Осиёдаги йирик корхона — «Huawei Technologies» компанияси ёрдамида университет лабораторияларига рақамли станция ва телекоммуникация қурилмалари ўрнатилмоқда ва бу ишлар телекоммуникация соҳасида таълим олаётган талабаларга амалиёт ўтатишларида ёрдам беради.

2003-2004 ўқув йилидан бошлаб университет дунёнинг нуфузли олий ўқув юртларидан ҳисобланган Пекин почта ва алоқа университети, Шанхай университети, Янганам (Жанубий Корея) ҳамда Миср университети билан алоқа ва телекоммуникация соҳасида кадрлар тайёрлаш, илмий-техник ва иқтисодий ҳамкорликни ўрнатитиш тўғрисида ўзаро келишув Меморандумларини расмийлаштириш ва шу асосда 8 нафар магистрант танловдан ўтди.

АҚШ савдо ва тараққиёт агентлиги гранти асосида университет қошида «Телекоммуникация ахборот технологиялари соҳасида аёлларни ўқитиш маркази» ташкил этилган бўлиб, келгусида ўқув синфларини «SUN Microsystems» компанияси томонидан дастурий таъминот ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш кўзда тутилган.

Дунёнинг етакчи таълим муассасаларидан бири ҳисобланган АҚШнинг «Cisco Systems» компанияси «Тармоқ академияси» дастури асосан тармоқларни лойиҳалаш ва хизмат кўрсатиш учун мутахассисларни тайёрлашга қаратилган. Компания ёрдамида университет қошида «Cisco Systems» ўқув маркази ташкил этилди ва унга 2004 йилда 13 миң АҚШ доллари миқдорида жиҳозлар келтирилди.

Мутахассисларнинг малакасини ошириш ва янги ўрнатилётган коммутация тизимларида ишлаш сифатини ошириш учун «Ўзбектелеком» АҚда ўқув маркази очилган. Хозирги кунда марказда «NEC» фирмасининг NEAX 61E русумли коммутация тизими, STM1 узатиш тизими ва замонавий радиорелели тизим ўрнатилган. Республикаимиз бўйича барча мутахассислар ўз малакаларини ушбу ўқув марказида ошириб келмоқдалар. Шу билан бирга, Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази ҳам ташкил этилди.

«УзИнфоКом» маркази «SUN Microsystems» компанияси билан ахборот-коммуникация технологиялари бўйича автоматлаштирилган тренинг марказини очиб бўйича шартнома имзоллади.

— Халқаро миқёсда қандай ишлар амалга оширилди?

— 2004 йили Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан халқаро миқёсда ҳам қўллаб ишлар амалга

оширилди. Бу эса республикаимизда телекоммуникация, почта ва ахборот технологиялари соҳасини ривожланишига, жаҳоннинг бир қатор тараққий топган давлатлари билан соҳадаги ҳамкорликнинг янада ривожланиши ҳамда алоқа соҳасидаги халқаро ташкилотларда мамлакатимиз манфаатларини намойён этишга ёрдам берди.

Жумладан, ўтган йилнинг июн ва декабр ойларида Худудий алоқа ҳамдўстлиги (ХАХ) ташкилоти Алоқа маъмуриятлари Кенгашининг навбатдаги 31 ва 32-йиғилишлари бўлиб ўтди ва уларда бизнинг делегациямиз ҳам қатнашди. Мунтазам ўтказилаётган ХАХ комиссиялари йиғилишларида Агентлик вакиллари иштирок этиб келишмоқда. Шундай йиғилишлардан иккитаси, яъни радиочастота спектрини тартибга солиш ва радиоэлектрон воситаларнинг электромагнит мослашувчанлиги бўйича ХАХ Комиссияси ва йўлдошли алоқа, телевизион ва овозли радиозастиртиш бўйича ушбу ҳамдўстлик Комиссиясининг йиғилиши 2004 йил кузда Тошкентда бўлиб ўтди.

15 октябрдан 5 ноябрга қадар Буха-

ди. Бундай тармоқ яратилиши абонентлар сонининг ўсишига боғлиқ равишда ошиб боради.

— Жорий — 2005 йил режалари қандай бўлади?

— 2006 йилга рақамли тармоқларни барча туман марказларига етказиш ҳамда аналог станцияларни рақамлига тўлиқ алмаштириш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шунингдек, телевидение ва радиозастиртиш тармоқларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Бугунги кунда мавжуд узаткичларнинг 50 фоизи, яъни Тошкент телеинорасидаги ҳамда бешта вилоятдаги узаткичлар замонавийларига алмаштирилди, қолган вилоятлардаги узаткичларни замонавийлаштириш бўйича ишлар 2005 йилда якунланиши мўлжалланмоқда. 2006 йилга йўлдошли телевидение ва радиозастиртиш тармоғини яратиш устида ишлар олиб борилмоқда.

Хозирги кунда Ўзбекистонда алоқа соҳаси халқ ҳўжалиги ва иқтисодиётнинг муҳим йўналишларидан бирига айланиб бормоқда. Бугунга келиб бутун дунёда ушбу соҳага ахборотлаштириш, янги ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва ривожлантиришни амалга ошириш вазифалари ҳам юклатилмоқда.

СОҲА ИСТИҚБОЛИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИГА БОҒЛИҚ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган, алоқа соҳасига эътибор янада кучайди, соҳа корхоналарида янги техника ва технологияларни жорий этиш, янги хизмат турларини, жумладан, ахборот технологиялари хизматларини тақдим этиш амалга оширилмоқда.

— Ушбу йилда Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Тошкент телеинорасининг юбилейлари нишонланади. Шулар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Дарҳақиқат, 2005 йил юбилейларга бой йил бўлади.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг мамлакатимиз фанидаги, таълимнинг миллий тизимини ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, ёшларни тарбиялашдаги ҳиссасини ҳисобга олиб, шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университети ташкил этилганлигининг 50 йилги муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил, 22 декабрда «Тошкент ахборот технологиялари университети 50 йиллиги юбилейини нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда университет ҳудудида янги ўқув-лаборатория корпусини қуриш тўғрисидаги Агентлик томонидан киритилган тақдир қабул қилинди ва бу ўз навбатида замон талабларига жавоб берадиган малакали мутахассисларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайман.

Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги ҳудудларда телевидение ва радиозастиртиш ишларини тарқатиш мақсадларида 1985 йил, 5 январда Тошкент телеинораси фойдаланишга топширилган эди. Телеиноранинг баландинги 375 метр бўлиб, жаҳонда тўққизинчи, Марказий Осиё давлатларида биринчи ўринни эгаллайди. У 1992 йилдан Бутунжаҳон Буюк Миноралари жамиятининг аъзоси ҳисобланади. 2003 йилдан Телеинорога ҳуқуқат қарори билан «Архитектура ва шаҳарсозлик ёдгорлиги» мақоми берилган.

Бугунги кунга келиб телеинораси телевидение ва радиозастиртиш узаткичлари тўлиқ янгилади, ҳафсизлигини таъминлаш бўйича маълум ишлар бажарилди. Телеинорога ташриф буюрувчи меҳмонларга қўлайликлар яратиш мақсадида замонавий кириш корпуси қурилмоқда.

2005 йил май ойида Тошкент телеинорасининг 20 йиллик юбилейини нишонлаш кўзда тутилган.

Йил давомида мазкур юбилей саналарига бағишланган бир қатор тадбирлар, жумладан, алоқа ва ахборот технологиялари ривожлантиришнинг долзарб муаммоларига бағишланган халқаро ва республика илмий-амалий анжуманлар ва тантаналарини ўтказиш режалаштирилмоқда.

— Мазмуни сўхбатингиз учун раҳмат.

— Ташақкур.

BUGUN — VATAN HIMOYACHILARI KUNI

БЎЛАЖАК
ОФИЦЕРЛАР

Мана ўн бир йилдики, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Махсус факултети ўз йўналиши бўйича мамлакатимиз Куролли Кучларига малакали офицер кадрлар тайёрлаб бермоқда. Ўтган вақт давомида мазкур факултетнинг моддий-техник ҳамда ўқув базаси мустаҳкамланди ва тора-бора такомиллашиб бормоқда.

Факултетда замон талабларига жавоб бера оладиган офицер кадрлар тайёрлаш учун барча шароитлар етарли. Талабалар олган назарий билимларини амалий машғулотларда мустаҳкамлаб борадилар. Бу борада барча кафедралар керакли ҳарбий ва алоқа техникалари билан тўлиқ таъминланган.

— Факултетимизда ўқув-тарбиявий ишлар пухта ташкил этилган, — дейди факултет Тарбиявий ишлар бўлимининг ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўлими маси офицери, майор Н.Хасанов. — Курсантларга таркиби асосан миллий офицер кадрлардан иборат бўлган профессор-ўқитувчилар таълим бермоқда. Талабалар онгда миллий истиқлол гоёсини шакллантириш, уларни она Ватанга садоқат ва ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан бирга умумҳарбий, тактик, ҳарбий техника ва ҳарбий-махсус фанлар бўйича ўқув машғулотларини олиб бормоқдалар. Шунингдек, даламашқ ва махсус дарсларни, Давлат ва кириш имтиҳонларини ташкил этиб, ҳарбий ишлаб чиқариш амалиётларига раҳбарлик қилмоқдалар.

Янги — 2005 йилни Махсус факултет курсантлари ҳамда педагогик жамоаси ҳам муносиб кутиб олдилар. Жумладан, 2004 йилнинг июл ойида ҳарбийлар ўртасида бўлиб ўтган Умумармия спартакиадасида кичик сержант

Д.Нишоннинг миллий кураш бўйича бронза медалини қўлга киритгани, шунингдек, майор А.Кўчқоровнинг "Энг илгор курс бошлиги", подполковник Н.Исмоиловнинг "Энг илгор мураббий" номига лойиқ ҳаракати ва "Маҳалла" жамғармаси стипендияси ҳамда курсант О.Эсоналиевнинг "Интеллектуал ринг" телеўйини совриндорлари бўлгани ҳам фикримиз исботидир.

Факултет жамоаси аҳолининг, айниқса, ёшларнинг миллий армиямизга қизиқишини ошириш, уларни ҳарбийлар ҳаёти билан яқиндан таништириш борасида ҳам ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Улар пойтахтимиздаги ўзлари оталиққа олган 31-Меҳрибонлик уйига, 235-мактаб ҳамда ТАТУ қошидаги Академик лицейга тез-тез ташриф буюришади. Ўқувчилар ўртасида "Шунқорлар" мусобақаси уюштирилади. Катта лейтенант Р.Сатторов раҳбарлигидаги бадиий ҳаваскорлик гуруҳининг концерт дастурлари намоийш этилади.

Албатта, амалга оширилган бу ишлар Сиҳат-саломатлик йилида ҳам янада кенг қўламада давом эттирилади ва Махсус факултет ўзининг ҳар жиҳатдан баркамол офицерлари билан мамлакатимиз Куролли Кучларига сифати тўлдираверади.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ

Юртимизга янги — 2005 йил кириб келиб, қалбларга қувонч улашишда давом этмоқда. Байрамлар байрамларга уланмоқда. Бошланма ҳар бир йилни ҳарбийлар алоҳида бир масъулият билан кутиб олишга одатланишган. Бунинг боиси ҳам бор. Улар 14 январ — "Ватан ҳимоячилари кунини" ҳар йили тантанали нишонлашади.



МИЛЛИЙ АРМИЯ — ФАХРИМИЗ



Авалло шунини айтиш лозимки, Меҳр ва муруват йили Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм) ҳарбий хизматчилари учун эсда қоларли йиллардан бири бўлди. Жумладан, 2004 йилнинг 29 август кунини қисмимизнинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Арипов иштирок этди.

Амалга ошириш зарур бўлган мақсад ва режаларимизни қўп. Ҳозирда "Ватан ҳимоячилари кунини" ва Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг 13 йиллигини муносиб нишонлаш учун Зангиота тумани ҳокимияти билан ҳамкорликда туман фахрийлари ҳамда жамоа фаоллари иштирокида учрашувлар ташкил қилинмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён ўтган давр мобайнида мамлакатимизда миллий давлатчиликни тиклаш, уни шаклланти-

риш, ҳуқуқий демократик давлат асосларини яратиш ва ривожлантириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Энг замонавий талаб ва андозаларга жавоб бера оладиган Куролли Кучларимизнинг ташкил этилиши — халқимизнинг том маънодаги фахр-ифтихорига айланган миллий армиямизнинг вужудга келиши давлатчилигимиз шаклланиш жараёнида халқ билан энг муҳим вазифалардан бири бўлди.

Қисмимизда хизмат вазифини ўтаётган аскарларнинг интеллектуал салоҳияти, билим ва касбий тайёргарликларини синнаш мақсадида "Энг ибратли йигит", "Заковат", "Қилни қирқ ёриб", шунингдек, "Энг яхши гурӯҳ командири", "Энг яхши взвод командири", "Энг яхши батальон командири" сингари кўрик-танловлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

2004 йили ўтказилган муқддатли ҳарбий хизматдаги оддий аскарлар ўртасидаги "Энг ибратли

йигит" танловида А.Ботиров ва Х.Худойберганов, "Заковат" интеллектуал танловида М.Мақсудов ҳамда И.Турдиматов бошчилигидаги жамоалар, "Қилни қирқ ёриб" танловида эса А.Арслонов ва О.Қодиров жамоалари ғолиб деб топилди. 1-авария-тиклаш асосидаги ҳарбий хизматчиси, кичик сержант Н.Халташов "Энг яхши старшина" деб, ўшбу марказ офицери, лейтенант Ф.Ризоов эса "Энг яхши взвод командири" дея эътироф этилди. 1-авария-тиклаш ишлари маркази офицери, капитан Н.Прокудин "Энг яхши батальон командири" танлови ғолиби бўлди.

Юқоридаги каби тадбирларни ўтказишдан мақсад аскарларда ватанпарварлик туйғуларини юксалтириш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳушёрлигини ошириш, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда юқори натижаларга эришишдир.

Махсус авария-тиклаш бошқармаси ҳарбий ва хизматчилари 14 январ — "Ватан ҳимоячилари кунини" муносабати билан юртимизнинг барча посбонларини муваффақият билан уларга она Ватан олдидаги муқаддас бурчларини шараф билан адо этишларида матонат ва зафарлар тилайди.

Абдумажид САГАТОВ,
Махсус авария-тиклаш
бошқармасининг
Ҳарбий тарбиялаш
бўлими бошлиги,
подполковник

ЭЛ НАЗАРИДАГИ ОДАМ

Юртимизда баркамолликнинг асоси, ўзаги бўлган камтарлик, оддийлик туйғули эл назарига тушган кишилар қўлаб топилди. Шўрчи почта алоқаси тармоғининг "Далварзин" алоқа бўлими бошлиги Мамаюсуф Бобоназаров ана шундай бахтга сазовор бўлган инсондир.

Мамаюсуф ака меҳнат фаолиятини туман қурилиш ташкилотидан бошлади. Харакатчанлиги ва талабчанлиги билан алоҳида ажралиб турганлиги боис кўп ўтмай унга уста вазифасини ишониб топширишди. Хуллас, Мамаюсуф ака қаерда, қайси вазифада ишлагани, меҳнатсеварлиги ва касбига фидойилиги боис ҳурмат қозонди. 2000 йили Мамаюсуф Бобоназаровни туман мутасаддилари почта алоқаси соҳасига; аниқроқ "Далварзин" алоқа бўлимини бошқаришга таклиф этишди.

Ушбу почта бўлими "Оқтумшук", "Далварзин-1", "Кўштегирмон", "Далварзин-2", "Боботог" маҳаллаларининг кўп сонли аҳолисига почта хизмати кўрсатиб келмоқда. Бўлим ҳисобида 350 нафар нафақачи бўлиб, уларнинг 12 нафари Иккинчи жаҳон уруши катнашчиси, 7 нафари

афгон уруши иштирокчиси, 50 нафари боқувчисини йўқотганлар, қолган қисми эса ёшга доир пенсионерлардир.

— Барча инсонларга намунали почта хизмати кўрсатиш бизнинг асосий вазифамиз, — дейди Мамаюсуф ака. — "Далварзин" ширкат ҳужалиги худуди кенг адирликлардан иборат бўлганлиги боис аҳоли тарқоқ жойлашган. Шундай бўлса-да уларга бўлимимиз почтачилари — Мурод Абдушуқуров, Ойсултон Жўраевалар кунлик хат-хабар, газета ва журналлар, пенсия пулларини ўз вақтида етказиб беришмоқда.

Жамоа аъзолари миқозларга хизмат кўрсатиш жараёнида касб одоби талабларига тўлиқ риоя этиб, ҳушумомалалик билан иш юритишяпти. Мамаюсуф ака ўз ишига катта масъулият билан ёндашади. Бўлимда ойлик режа ва топшириқлар ортиси билан бажарилмоқда. Почта ишидаги ютуқ ва камчиликлар таҳлил этилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинади. Уйлаймизки, бу каби ишлар жойларда почта соҳаси ривожланишини таъминлашда муҳим омил бўлади.

Назиртош НАЗАРОВ
Сурхондарё вилояти



"Ўзбекистон почтаси" АЖнинг Навоий филиалида почта алоқасини янада ривожлантириш, хизмат турларини кенгайтириш мақсадида ходимлар учун қулай иш шароитлари яратилган.

Иш ўринларининг янги меbel жиҳозлари, замонавий компьютер ва факслар билан таъминлангани меҳнат самарадорлиги ошишини таъминламоқда.

Суратда: Қимматли қоғозлар бўйича мутахассис — Маҳбуба ҲАСАНОВА.



Ўтган асрнинг элгинчи йиллари бошига келиб Ўзбекистонда, шунингдек, қўшни республикалар — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистонда ривожлана бошлаган радиотехника, электроника, электралоқа, радиоалоқа ва телевидение корхоналарида юқори малакачи алоқачи муҳандислар етишмаслиги сезилиб қолди.

1953 йили Москва ва Ленинград электротехника алоқа институтларидан етти муҳандис ва 56 техник Ўзбекистонга ишга келди. 1954 йили республикамиздаги алоқа корхоналарида атиги 65 нафар олий маълумотли муҳандис ва 362 нафар ўрта махсус маълумотли техник фаолият кўрсатарди, ҳолос.

Республикамиз раҳбариятининг Иттифоқ марказига минтақа учун алоқачи кадрлар тайёрлашни ташкил этиш ҳақидаги таклифи асосида чиқарилган Иттифоқ Вазирлар Маҳкамасининг 1953 йил, 18 майдаги «Алоқа вазирлиги учун инженер-техник кадрлар тайёрлаш тадбирлари ҳақида»ги Қарориди ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонга алоқачи муҳандислар тайёрлаш учун Тошкент электротехника алоқа институтини ташкил этиш режалаштирилди. Икки йилдан сўнг Иттифоқ алоқа вазирлигининг 1955 йил, 28 июндаги буйруғи билан Тошкент электротехника алоқа институти иш бошлади. Институт 1955—1961 йиллар давомида ҳозирги Тошкент алоқа касб-хунар коллежи (ўша вақтдаги Тошкент алоқа техникуми) ҳудудида фаолият олиб борди ва уни вақтинча бошқариш техникуми бошлиғи Н.Мацкевич зиммасига юклатилди.

1955 йилнинг сентябрида биргина Телефон-телеграф факултети билан иш бошлаган институтга 153 талаба қабул қилинди ва 1 октябрдан машғулотлар бошланди. Ўқшга кирганлардан 113 нафари 1960 йили алоқачи-муҳандис сифатида ўқини тамомлади. Факултетнинг «Физика ва олий математика», «Чизма геометрия ва техника чизмачилиги», «Химия ва электро-материаллар технологияси» кафедраларида дастлаб 18 ўқитувчи машғулотлар олиб борган. Жумладан, доцентлар — И.Андреев, С.Колесов, Л.Введенская, П.Нижник ва С.Сивирский, катта ўқитувчилар — И.Дмитриенко, Х.Баскина ва В.Федотов, ўқитувчи — М.Куриковская-Руснаяларнинг номларини бугун алоҳида эҳтиром билан тилга олиш мумкин. Институт биноси ва дастлабки ётоқхоналари лойиҳасини ташлашда, унга шаҳарнинг ўша вақтда нисбатан чеккароқ Бўзсув ва «Фалаба» боги

атрофидан ер ажратилишида институт раҳбари Н.Мацкевич катта ҳисса қўшган.

1957 йилнинг феврал ойидан институтга Москва алоқа муҳандис-техник академиясини тугатган, қатор алоқа корхоналарида ишлаб, катта тажриба орттирган М. Астахов раҳбар, ўқув ва илмий ишлар бўйича биринчи проректор вазифасига эса Л.Тухшнайд тайинланди. Кейинчалик, 1957—1959 йилларда доцент С.Колесов ва 1959—1972 йиллар давомида доцент А.Исломов ўқув ишлари проректори вазифасида фаолият юритган.

фония» кафедраси иш бошлади. Техника фанлари номзоди Н.Решетников мудирилик қилган мазкур кафедрани ўша вақтда В.Сон (кейинчалик кафедра мудир, профессор), Л.Суслова ҳамда В.Обидина сингари мутахассислар меҳнат қилишган. Бир оз ўтгач, «Телефония» кафедрасидан «Телеграфия» кафедраси ажралиб, мустақил фаолият кўрсата бошлади ва унга 1961 йилгача Е.Миловидов мудирилик қилди. Сўнгра кафедранга А.Марин (1961—63 йиллар), О.Лабичев (1963—68 йиллар)лар бошқарди. «Телеграфия» ка-

Мутахассислар тайёрлаш сифатини замон талаблари даражасига кўтариш мақсадида 1964/65 ўқув йилидан бошлаб ўқув режаларига сезиларли ўзгартиришлар киритилди. Радиоалоқа ва радиоэшиттириш факултети таркибидаги «Техник электродинамика ва антенналар», «Электротехника назарий асослари» ҳамда «Радиотехника назарий асослари» кафедралари қайта ташкил этилиб, биринчиси — «Чизиқли электр занжирлар назарияси», иккин-

ривожланаётган ёш институт учун етарли эмас эди.

1958 йилнинг сентябрида ҳозирда Амир Темура ва Жаҳон Обидова кўчалари кесишган жойдаги институт талабалари ётоқхонаси қурилиши тўлиқ тугалланиб, унга виллоятлардан ва қўшни республикалардан келиб таълим олаётган талабалар жойлаштирилди. Институт 1961/1962 ўқув йилини ўзининг янги биносида бошлади. 1962/1963 ўқув йилида эса институтнинг талабалар ётоқхонаси ва ошхона бинолари битказилди. Кундузги бўлимга талабалар қабул қилиш миқдори тўрт юзтага етказилди.

Хуллас, институт ўзининг биринчи ўн йиллик фаолияти давомида ўз ўқув биноси, спорт майдончалари ва талабалар ётоқхонаси, шунингдек, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани, Хондайлик қишлоғида ўқув-соғломлаштириш масканига эга бўлди. Маскандан тўртта коттеж (ҳар бири тўрт оилага мўлжалланган), иккита ёзги шийпон, икки қаватли талабалар ётоқхонаси ва ошхона бинолари қуриб битказилди. Мавжуд икки факултет ва сиртки бўлим ўз ишини ҳар томонлама мустақамлади. **Талабалар сони тўрт мингга яқинлашди. Институтда 21та кафедра ва бта махсус ўқув хонаси, 40та ўқув лабораторияси ташкил этилиб, уларга собиқ Иттифоқ, Венгрия, Польша, Чехословакия, Германия ва бошқа давлатларда ишлаб чиқилган алоқа қурилмалари, тизимлари ва ўлчов асбоблари ўрнатилди. 1965 йилга келиб институтнинг барча мутахассислик кафедралари Москва, Ленинград электротехника алоқа институтлари ўқув-ишлаб чиқариш устaxonаларида яратилган ва ишлаб чиқарилган лаборатория макетлари, замонавий алоқа техникалари ҳамда ўлчов асбоблари билан таъминланди.**

Бу вақтга келиб институтнинг 149 юқори малакачи ўқитувчиси орасида академиклар, фан докторлари, фан номзодлари ва доцентлар бор эди. Ўн икки аспирант Марказ алоқа институтларида, бир қанчалари эса сиртки аспирантурада тахсил олдиларди.

Институт талабаларининг ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда, Москва, Ленинград шаҳарлари ҳамда собиқ Иттифоқнинг бошқа республикаларида ишлаб чиқариш амалиётини ўташлари ташкил этилди. Ўтган дастлабки ўн йил ичидан институт халқ хўжалиғига 915 олий маълумотли алоқачи-муҳандислар етказиб берди. Институтни тугаллаганлар нафақат ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда, балки собиқ Иттифоқнинг Кузбасс хавзаси, Узок Шарқ, Урал, Красноярск ўлкалари турли корхоналарида фаол меҳнат қилиб, олган билимлари билан ишлаб чиқариш ва илм-фан ривожига ҳисса қўша бошладилар.

Омон АБДУАЗИЗОВ,
Тошкент ахборот
технологиялари
университети доценти

Тарихга назар: Дастлабки ўн йиллик

1956 йили институтнинг «Гуманитар фанлар» кафедраси ташкил этилди ва доцент Х. Турсунов кафедра мудирлиги этиб тайинланди. Кейинчалик у тарих фанлари доктори, академик даражасига эришиб, республикада қатор раҳбарлик лавозимларида ишлади. Ўша йиллари кафедрани В.Яковлев, С.Яфасова, М. Салимзянова, М.Абдурашулов сингари доцент-ўқитувчилар фаолият кўрсатган.

Институт 1957 йилдан бошлаб радиоалоқа ва радиоэшиттириш соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлашга киришди. Шу йилдан бошлаб институтда кечки ва сиртки факултет ташкил этилиб, факултетлар сони учтага етказилди. Бу вақтга келиб алоқа соҳаси муҳандиси бўлиш ҳавасидаги ёшлар сони ортгани боис ўқини кундузги бўлимига 200, кечки бўлимига 29, сиртки бўлимига эса 200 — жами 429 талаба қабул қилинди.

«Алоқа линиялари» кафедраси 1957 йили тузилган бўлиб, унга дастлаб М.Астахов (институт ректори) мудирилик қилди. Кафедрани ассистент Г.Ватолин (кейинчалик ушбу кафедра мудир), П.Болгар ҳамда А.Любимовлар фаолият бошладилар. Бу кафедра институт тарихида биринчи бўлиб, хўжалик ҳисобиди илмий иш олиб боришни ташкил этди. Кафедрани ўша даврда муҳим халқ хўжалиғи аҳамиятига эга бўлган «Ўрта Осиё ерлари солиштирма ўтказувчанлиги картасини тузиш» мавзусидаги ишни бажарди ва бунинг натижасида минтақада юқори кучли ишлов электр линияларини лойиҳалаш ва қуриш ишлари амалга оширилди.

Кейинчалик Телефон-телеграф факултетги талабаларга телефон алоқаси, телеграф алоқаси, алоқа қурилмалари электр таъминотлари фанларидан машғулотлар олиб бориш учун алоҳида кафедра ташкил этилди ва унга техника фанлари номзоди, доцент В.Короткевич мудири этиб тайинланди. 1958 йилда эса «Теле-



федраси билан бир вақтда «Узок масофа алоқаси» (кейинчалик «Кўп каналли алоқа») кафедраси (мудир Н.Суслов) ташкил этилди. Кафедрани биринчи ўқитувчилари қаторида М.Василева (Баскакова), И.Обидин ва В.Дурневлар бор эди.

1960 йили Радиоалоқа ва радиоэшиттириш факултети таркибида яна бир қатор махсус кафедралар ташкил топди. Жумладан, «Радио қабул қилиш қурилмалари» кафедрасига 1960—1969 йиллари тажрибали ўқитувчи Р.Мансуров раҳбарлик қилди. Кафедрани дастлаб талабаларга радио қабул қилиш қурилмалари, кучайтириш қурилмалари, электрвакуум асбоблар фанларидан машғулотлар олиб борди.

«Радиоузатиш қурилмалари» (мудир В.Карабанов) ҳамда «Радиоэшиттириш ва телевидение» (мудир К.Матвеев) кафедралари ҳам 1960 йили ташкил этилган. Ушбу кафедраларда С.Турсунова (кейинчалик техника фанлари номзоди, доцент, ушбу кафедра мудир), Ли Сен-Сан, М.Ваулин, М.Зупаров, М.Осмонов, В.Стрижков, Г.Шмалей (Серова) ҳамда Р.Содиқов сингари педагоглар талабаларга радиоузатиш қурилмалари, радиореље линиялари, автоматика ва телемеханика асослари, радиоэшиттириш, электроакустика, телевидение ва импульс техникаси фанлари бўйича билим беришган.

«Ночизиқли электр занжирлар назарияси» ва «Сигналлар узатиш назарияси» номи билан аталди. Шу даврда янги «Алоқа техникасида ўлчовлар» кафедраси (мудир Ж.Ниеталин) ҳам ташкил этилди.

1959 йилдан бошлаб «Олий математика ва физика» кафедраси алоҳида-алоҳида «Олий математика» ва «Физика» кафедралари сифатида фаолият кўрсата бошлади. Уларга физика-математика фанлари номзодлари, доцентлар М.Камолов ва В.Яковлев раҳбарлик қилишди. Кафедраларга А.Исломов, М.Исмомилов, Х.Бурнашев, М.Жўраев, Ё.Қўчқоров, Р.Мусалов, И.Қандоров, С.Саидхмедов ва бошқа кўпжа илмий даража ва унвонларга эга мутахассислар таклиф қилинди.

1964 йилдан Телефон-телеграф алоқаси факултетидида автоматик электралоқа ва кўп каналли электралоқа мутахассисликлари бўйича муҳандислар тайёрлашга ўтилди.

Олтмишинчи йиллар бошларида М.Арипов, И.Берганов, М.Василева, М.Зоҳидов сингари талабалар Москва ва Ленинград алоқа институтларига аспирантурада ўқиш учун юборилдилар. Улар 1965 йил охирида номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилиб келиб, тегишли мутахассислик кафедраларида иш бошладилар. Аммо аспирантурага юборилганлар сони тез

ТЕЛЕДАСТУРЛАР — 17–23 январ кунлари учун TV I, TV II, TV III, TV IV, OPT, RTP, NTV



ДУШАНБА, 17

"Узбекистон" телеканалы TV I
Телекомпаниялар диктантига!
Профдактик муносабати билан "Узбекистон" телеканалда 17 январ кунин 9:00 курсулуларини соат 15:00 дан бошлайдилар.
15:00 "Узбекистон" телеканалдаги халқ қонунари орастининг концерт.
16:05 "Дастурон атрофида".
16:30 ТВ-анонс.
16:35 "Масъуд сўи".
16:45 Кундаги сениз: "Муздак устунлик билан". Бадний фильм.
17:55 ТВ-анонс.
18:00 ЯНГИДИКЛАР.
18:10 "Фарига сайраси".
Мультифилм премьераси. 47-қисм.
18:35 "Яхшилар ёни".
18:55 Бир жуфт кўниш.

19:05 "Узбекистоннинг табирикор аёллари".
19:25 "Узато кундалинги" ва рекламалар.
19:30 "Абзор" (рус тилида) 19:55, 20:25, 21:00 ЭЪЛОНЛАР.
20:00 Оқшом эртақлари.
20:15 Биржа ва банк баёраблари.
20:30 "Абзор".
21:05 МСК баёраблари.
21:15 Карни шаҳрининг 2700 Нилгани оспидан.
"Кўншли қур таровати".
1-қисм.
21:55 "Узбекистон" телеканалда илк маротаба: "Бетона". Телесериал.
"Кўншли қур таровати".
1-қисм.
"Ешлар" телеканалы TV II
16:55 Курсулулар дастури.
17:00 ТВда ҳафта ичида.

17:30, 19:35, 22:35 ТВ-анонс.
20:25 "Янги алоқа" почтаси.
21:20 "Мурувват".
18:00 Рыкыр.
18:25 Ешлар овози.
18:45 ТВ-афиша.
18:50 Музто ноавлар.
18:55, 21:55 Икким.
19:00, 22:00 Давр.
19:40 Олис манзиллар.
20:00 Хамкор - 2005.
20:10 Муслиқ даслар.
20:20 Мерказий сайлов комиссияси баёраблари.
20:30 Сув - ҳаёт манбаи.
20:35, 21:25 Эълонлар.
20:40 "Музаббат моқароси".
Телесериал.
21:30 Бир Улкаси...
21:50 Олтин мерос.
22:40 "Ешлар" телеканалда спорт дастури: Интердубол.
22:30 "Оқшом қозғани". Дам олиш ва абзор дастури.
0.30-0.33 Хайри тун, шаҳрни!

"Тошкент" телеканалы TV III
17:05 Курсулулар тартиби.
17:15 ТВда сериал: "Қайсар ва доқарасар".
17:40 "Табриқлаймиз-кутайлимиз".
18:00, 20:50 "Экспресс" телегазетаси.
18:10 "Тиббиёт сизнинг ҳаётингизда".
20:30, 20:40, 21:00, 21:40 "Пойтахт" абзор дастури.
18:50 "Табриқлаймиз-кутайлимиз".
17:50 ТВда сериал: "Ургичмак туғи".

СПОРТ телеканалы TV IV
7:30 "Хабарлар".
7:45 "Бардам бўлини". Тонги дам олиш дастури.
8:45 "Хабарлар" (Рус тилида) 9:00 Мультифилм.
10:00-11:00 Жаҳон спорти: "Профессионал баскетбол".
"SPORТ" ТЕЛЕКАНАЛИ.
16:55 Курсулулар тартиби.
17:00 "Хабарлар" (Рус тилида) 17:15 "Болалар спорти".
17:30 "Кучиқ бешлик".
17:45 "Болалар спорти".
17:55 "Болалар спорти".
18:00 "Клон". Сериал.
21:00 "Метн кутти".
21:00 "Время".
"SPORТ" ТЕЛЕКАНАЛИ.
21:30 "Хабарлар". Илк ақуларини.
22:30 "Проф-РИНГ".
23:30 "Тунингиз осуда бўлини".

OPT
Уважаме телерайител! Присоединяйтесь к передаче в воскресенье в 12:00 в связи с профилактическими работами
12:00 Новости (с субтитрами)
12:10 Сериал "Женщины в любви"
13:10 Дисней-клуб: "Новые приключения Винни Пуха"
13:30 Комедия "Взрослые дети"
15:00 Новости (с субтитрами)
15:20 Комедия "Где находится нофельс?"
17:00 "Пять вечеров". Дело Понделькина
18:00 Вечерние новости (с субтитрами)
18:20 Документальный детектив: "Свастика на обочине". Дело 2002 года
19:00 Сериал "Клон"
20:00 Жил меня
21:00 Время
21:30 Многосерийный фильм "Винзельс"
22:40 Спецрасследование. "Майя и Шеня"
23:30 Ночное "Время"
23:50 Исхатели. "Тайна тибети Сапта-Фе"
24:20 "Позороковин"

RTP
В связи с профилактическими работами канал начинает вещание в 09:50
9:50 Телесериал "Безная Настя"
10:50 "Что хочет женщина". Ток-шоу Бены Яковлева.
11:45 Сериал "ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ".
NTV
12:00 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
18:50 "Спокойной ночи, малыши!"
18:55 Детективный сериал "Тайны следствия. Мягкая лапа смерти".
21:00 "ВЕСТИ+"
21:20 "Мой серебряный шар. Грета Габро". Ведущий - Владислав Вуляр.
22:15 "Семьянин".
22:45 Х/ф "Пока не забудут нас голоса живых"

СЕШАНБА, 18

"Узбекистон" телеканалы TV I
6:00 "Ассалом, Узбекистон" 8:00-8:35 "Абзор".
8:35 "Моний уммон қарнида". Телесериал.
9:25 "Бизнес ҳафта".
9:40 "Рангин дон".
10:00, 12:00, 14:00, 18:00 ЯНГИДИКЛАР.
10:05 "Узбекистоннинг табирикор аёллари".
10:25 "Масъуд сўи". Болалар учун кинодастур.
11:50 ТВ-кин.
12:05 "Қишлоқ ҳаёти".
12:25 Карни шаҳрининг 2700 Нилгани оспидан. "Кўншли қур таровати". 1-қисм.
13:05 "Бетона". Телесериал.
13:40 ТВ-кин.
14:10 "Портретта чингизлар".
14:25, 15:55 ТВ-анонс.
14:30 "Муздак ва леатр".
14:50 Кундаги сениз: "Тоғша ҳам дилект усади". Бадний фильм. 1-қисм.
"Болалар сайраси".
16:00 1. "Қўнғини - жон қўнғини".
2. "Кувик стартар".
17:00 "Ватанига хизмат қилмади".
18:10 "Фарига сайраси".
Мультифилм премьераси.
18:35 ТВ-анонс.
18:40 "Стойлик тиллаван".
19:00 Муслиқ танаффус.
19:05 "Табриқлаёт".

19:25 "Узато кундалинги" ва рекламалар.
19:30 "Абзор" (рус тилида) 19:55, 20:25, 21:00 ЭЪЛОНЛАР.
20:00 Оқшом эртақлари.
20:15 FCN "Узбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20:30 "Абзор".
21:05 "Фарга ва қар".
9:25 "Бизнес ҳафта".
9:40 "Рангин дон".
10:00, 12:00, 14:00, 18:00 ЯНГИДИКЛАР.
10:05 "Узбекистоннинг табирикор аёллари".
10:25 "Масъуд сўи". Болалар учун кинодастур.
11:50 ТВ-кин.
12:05 "Қишлоқ ҳаёти".
12:25 Карни шаҳрининг 2700 Нилгани оспидан. "Кўншли қур таровати". 1-қисм.
13:05 "Бетона". Телесериал.
13:40 ТВ-кин.
14:10 "Портретта чингизлар".
14:25, 15:55 ТВ-анонс.
14:30 "Муздак ва леатр".
14:50 Кундаги сениз: "Тоғша ҳам дилект усади". Бадний фильм. 1-қисм.
"Болалар сайраси".
16:00 1. "Қўнғини - жон қўнғини".
2. "Кувик стартар".
17:00 "Ватанига хизмат қилмади".
18:10 "Фарига сайраси".
Мультифилм премьераси.
18:35 ТВ-анонс.
18:40 "Стойлик тиллаван".
19:00 Муслиқ танаффус.
19:05 "Табриқлаёт".

15:15 "Даллас". Телесериал.
16:10 "Узбектеlevision" намоийси: "Нақшди".
16:30 Курсулулар дастури.
16:35 "Янги алоқа" студияси.
Екшим иштада.
16:55 "Музтомтоша".
17:10 Кўншли қур оспидан.
17:15 Ешлар қуйлаганда.
17:40 Усто.
18:00 Ешлар овози.
18:20 ТВ-афиша.
18:30 "Футбол-плюс".
18:45 ТВ-афиша.
18:50 Музто ноавлар.
18:55, 21:55 Икким.
19:00, 22:00 Давр.
19:35 Давр-репортаж.
19:50 Мезр кўза.
20:10 Марди майлон.
20:30, 21:20 Эълонлар.
20:35 "Музаббат моқароси". Телесериал.
21:25 "Ур дафтери" туркумидан: Турун Алиматов. 1-қисм.
22:40 "Скарлетт". Бадний фильм 5 - қисм.
19:25 "Футбол-плюс".
23:45-23:50 Хайри тун, шаҳрни!

"Тошкент" телеканалы TV III
17:05 Курсулулар тартиби.
17:15 ТВда сериал: "Қайсар ва доқарасар".
17:40 "Табриқлаймиз-кутайлимиз".
18:00, 20:40 "Экспресс" телегазетаси.
18:10 "Тиббиёт сизнинг ҳаётингизда".
20:30, 20:40, 21:00, 21:40 "Пойтахт" абзор дастури.
18:50 "Табриқлаймиз-кутайлимиз".
17:50 ТВда сериал: "Ургичмак туғи".

СПОРТ телеканалы TV IV
7:30 "Хабарлар".
7:45 "Бардам бўлини". Тонги дам олиш дастури.
8:45 "Хабарлар" (Рус тилида) 9:00 Мультифилм.
10:00-11:00 Жаҳон спорти: "Профессионал баскетбол".
"SPORТ" ТЕЛЕКАНАЛИ.
16:55 Курсулулар тартиби.
17:00 "Хабарлар" (Рус тилида) 17:15 "Болалар спорти".
17:30 "Кучиқ бешлик".
17:45 "Болалар спорти".
17:55 "Болалар спорти".
18:00 "Клон". Сериал.
19:50 Л.Узловченко "Даллас Васильева изкуварик индиборн-2" фильмида.
21:00 "Время".
"SPORТ" ТЕЛЕКАНАЛИ.
21:30 "Хабарлар".
22:30 Спорт - менинг ҳаётим".
22:00 Жаҳон спорти: "Еврофутбол".
23:35 "Тунингиз осуда бўлини".

OPT
6:00 Телеканал "Доброе утро"
9:00 Новости
9:05 "Бизнесы".
Многосерийный фильм 10:10 Сериал "Клон"
11:30 Документальный детектив: "Свастика на обочине". Дело 2002 года
12:00 Новости
12:30 Сериал "Женщины в любви"
13:20 Татьяна Доглева в комедии "Облава"
15:00 Новости (с субтитрами)
15:20 "Угвай мелоню"
15:50 "День рождения буржуа". Многосерийный фильм
